

Ishonch

2019 йил 17 сентябрь • сешанба • № 113 (4242)

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 сентябрь куни Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат думаси раиси Вячеслав Володин бошчилигида мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқот Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларига мутлақо янги суръат бағишлаб, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилганини катта мамнуният билан қайд этди.

Шу маънода, Давлат думаси юксак даражали делегациясининг ушбу ташрифи кўп қиррали ҳамкорликни ҳар томонлама мустақамлашга икки томон ҳам интилаётганининг навбатдаги тасдиғидир.

Вячеслав Володин, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Фаол парламентлараро му-

лоқот ва алмашувларни, жумладан, Ўзбекистон ва Россия парламентлари палаталари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда давом эттириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг турли масалалари бўйича яқин шерикликни йўлга қўйиш, худудлараро алоқалар ва иштиробли кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, икки ва кўп томонлама келишувлар, жумладан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган битимларни амалга оширишга кўмаклашиш ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Вячеслав Володин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни ҳар томонлама мустақамлаш мақсадида парламентлараро алоқаларни кенгайтиришга интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Учрашув сўнггида юқори мартабали меҳмон жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайловлар муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли фестиваль иштирокчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, сизларни сўлим ва мафтункор Фарғона водийсида, қадимий ва гўзал Қўқон шаҳрида қутлашдан бағоят мамнунман.

Барчангизни ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилаётган биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Жаҳон хунармандлар кенгаши президенти, хурматли Роза Гринлис хонимга анжуманимизда шахсан иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Фестивалимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси маданият вазири Владимир Мединскийни, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Ақтўти Раимқуловани, Туркменистон маданият вазири Атагелди Шамуродовни, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Ўрумбекзодани, Озар-

байжон Республикаси маданият вазири Абулфас Гараевни, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқуловни, Беларусь Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Наталья Карчевскаяни, Арманистон Республикаси таълим, фан, маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Нарина Хачатурянни чин дилдан қутлаймиз.

Бундан ташқари, Хитой санъат ва хунармандчилик уюшмаси президенти Ху Нианшага, Ҳиндистоннинг Харяна штати туризм вазири ўринбосари Вижай Вардханга, Малайзия халқ амалий санъатини ривожлантириш корпорацияси бош директори Энчик Ибрагим бин Исмоилга, шунингдек, ЮНЕСКОнинг юқори мартабали вакиллари ҳамда Жаҳон хунармандлар кенгашининг Осие-Тинч океани, Америка ва Африка минтақалари бўйича раҳбарларига самимий миннатдорлик билдирамиз.

Давраимизда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари кўриб турганимиздан хурсандимиз.

Фестивалимизда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд моҳир хунарманд, таниқли маданият арбоблари, санъатшуно олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Барчангизни чин юракдан қутлаб, Ўзбекистонга, ушбу анжуманга бўлган қатта хурмат ва эътиборингиз учун ташаккур изҳор этаман.

Хурматли фестиваль иштирокчилари!

Маълумки, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати дунёдаги ҳар бир халқ ҳаётида, унинг турмуш тарзи ва қадриятлари ривожда алоҳида ўрин тутди.

Инсониятнинг онгли ҳаётида хунармандчиликнинг пайдо бўлиши – бу цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Башарият фахри бўлган буюк шахрлар, меъморий обидалар, тарихий ва археологик ёдгорликлар, минглаб музейлардаги нодир экспонатлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳаммамизга аёнки, халқ амалий санъати – бу аввало, табиат билан уйғун бўлиб, табиатдан завқ ва илҳом олиб, бетакрор ижод намунасини яратишдир.

Ўзингиз тасаввур қилинг, оддий қора тупроқдан, бир бўлак темир ёки ёғоч парчасидан ноёб ва гўзал буюмлар яратиш, таъбир жоиз бўлса, уларга «жону тил» бағишлаш учун хунармандга нафақат машаққатли қўл меҳнати, балки қалб ҳарорати керак. Нозик дид ва маҳорат, сабр-тоқат, энг муҳими, ўз касбига чексиз меҳр ва садоқат, фидойилик керак.

Шу билан бирга, чинакам хунар соҳиби – у кулол бўладими, кандакор ёки тўқувчи бўладими, наққош ёки заргар бўладими – ўз ишини аъло даражада бажариш учун жуда кўп илмлардан, аввало, кимё, биология, тиббиёт, физика, геометрия, астрономия, тарих, фалсафа каби фанлардан хабардор бўлиши, уларни амалда қўллаи билиши зарур.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман.

2 >

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 сентябрь куни Осие футбол конфедерацияси президенти Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон ва ОФК ўртасидаги самарали шериклик мамлакатимизда футболни оммалаштириш ва ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилгани ва изчил ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон 1994 йилдан буён конфедерация аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу ташкилот билан биргаликда футболни ривожлантириш, жумладан, худудларда замонвий спорт инфратузилмасини яратиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, аёллар футболлини тараққий эттириш, йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш, техник кўмак бўйича устувор лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган кўплаб тадбир ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Осие футбол конфедерацияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда футбол бўйича йирик халқаро мусобақалар, жумладан, ўсмирлар,


ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида қитъа ва жаҳон биринчиликлари ташкил этиш учун имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Конфедерация Ўзбекистонда халқаро даражадаги футбол ин-фратузилмасини яратиш, услубий таъминот, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, юқори малакали мутахассислар, мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлашда кўмагини давом эттириши муҳим экани таъкидланди.

ОФК президенти давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда оммавий спортни тараққий эттириш, услубий таъминот, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, юқори малакали мутахассислар, мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлашда кўмагини давом эттириши муҳим экани таъкидланди.

Шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифа Осие футбол конфедерацияси Ўзбекистон билан кенг қўламли шерикликни ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий экани ҳамда амалий ҳамкорликка қаратилган янги дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёрлигини таъкидлади.

ЎЗА



Дўстлик ва ҳамкорлик байрами

Давлатимиз раҳбарининг «Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан Қўқон шаҳрида 10-15 сентябрь кунлари илк мартаба Халқаро хунармандчилик фестивали бўлиб ўтди.

Бир ҳафта давом этган фестиваль дунё халқлари маданияти, қадриятлари ва миллий хунармандчилиги анъаналарини ўзаро уйғунлаштираётган байрам сифатида ёдда қолди.

Ижод аҳлига оқиллик, одиллик, холислик, солиҳлик, орифлик ярашади. Бундай маърифат зиёси ва бебаҳо фазилатлар улар ёзган асарлар тийнати, моҳиятида жамланади. Зеро, маърифатнинг негизи орифлик, билгирлик ва доноликка бориб боғланади.

Жамият ва табиатни, олам ва одамни, инсоннинг қалбини билиш ҳамда шу билангиларини ўткир қалам учи ва тафаккур кучи билан бошқаларга билдириш, сирларни очиш – адиблар зиммасига таъминан ана шундай миссия юкланади. Сабқлар мундариҳасида умуминсоний муаммоларнинг ечими ўрин олиб, доно фикрлари ва ҳикматлари бутун

Ушбу нуфузли анжуманда иштирок этиш учун дунёнинг 78 давлатидан 370дан зиёд моҳир хунарманд, маданият арбоблари, санъатшуно олимлар, 1 минг 116 нафар маҳаллий хунарманд иштирок этди.

Нуфузли фестивалнинг очилишида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, Халқаро хунармандчилик фестивали иштирокчиларини қутлади. Ушбу халқаро фестиваль нафақат кўпмиллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами эканини таъкидлади.

2 >

Миллий юксалиш йўли

Маърифат маҳзани

инсоният дардининг малҳами, қувонч садосининг акс-садоси бўлса, бундай китоблар барчага бирдек зиё-нур улашади. Миллатнинг шундай оидин фикрли, савоатли овозли, беназир юракли орифларидан бири, шубҳасиз, Абдулла Қодирийдир.

Бу табаррух ном тилга олинганда чин фидойи, чин зиёли, чин мунавар, чин дониш, чин адиб, чин инсон сиймоси тасаввурда пайдо бўлади. Чунки унинг бутун маънавий-руҳий оламини, инсон фитратини ёзган асарларидан англаб оласиз. Зеро, адибнинг фикрича, гарчи ёзувчиларнинг айнан ўзлари билан таниш бўлинмаса ҳам ёзган асарларига қа-

раб уларнинг кимлигини билиб олиш мумкин. Шу нуқтаи назардан Абдулла Қодирий асарлари унинг маънавий олами, дунёқарашидан хабар беради. Адиб дастлаб шеърлар машқ қилар экан, уларда ўзи яшаб турган муҳит, воқеа-ҳодисаларга жадидона назар ташлади. Зотан, XX аср бошларида жидд-у жаҳд билан миллатга хитоб қилган жадидлар бениҳоя чўнг мақсадлар – миллатни уйғотишдек жуда улкан орзулар билан майдонга чиқди. Шунинг учун улар назаридаги ҳар қандай масала миллат, Ватан, эл-юрт тушунчалари билан уйғун муҳокама қилинди.

4 >

БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ



Муаммонинг «замонавий» ечими: **Ҳам кўприк, ҳам қувур**

Ушбу қувур Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган каналга қўйилган бўлиб, у бир пайтнинг ўзида кўприк вазифасини ҳам ўтамоқда.

Бу ердан ҳар куни болалар мактабга қатнайди, бошқалар ишга, бозорга боради. Қишда эса... Қишгача бир гап бўлар, ўлмаган жон юраремиз...

<https://t.me/bonguz>



Узбонг.уз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бутун дунёга машҳур бўлган миллий каштачилик санъатимиз, қадимий сўзналаримиздаги сирли, мўъжизали, илоҳий нақшлар, ранглар жилоси замирида фалакиёт илми, космогоник тасаввурлар мужассам экани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Халқимиз азалдан ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган моҳир хунармандларни «уста» ва «устазода» деган номлар билан улуғлаб, эъзозлаб келади.

Шу ўринда буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг «Хунар шундай тулпорки, унга минган киши албатта хурмат-этибор топгай ва саодат манзилига етгай», деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтишни жоиз, деб биламан.

Келгуси йили таваллудининг 700 йиллиги нишонланадиган бу табаррук зот нафақат азиз-авлиё, аввало, ўзлари ҳам етук хунарманд, аҳли хунарнинг пири бўлганлар. Бу улуг сиймонинг «Дилинг – Оллоҳда, кўлинг – меҳнатда бўлсин» деган эзгу дэватига амал қилиб, юртимиздаги минг-минг хунармандлар ўзларининг машаққатли, ҳалол меҳнати, инсоний фазилатлари билан халқимизга, ёшларимизга ибрат ва намуна бўлиб келмоқдалар.

Айни вақтда бугунги глобаллашув ва юксак технологиялар асрида халқ амалий санъатига шунчаки ўтмиш ёдгорлиги сифатида бепасанд қараш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Агар бу нодир санъатни давлат ва жамият томонидан кенг қўллаб-қувватламас эканмиз, эртага кеч бўлади – хунармандлик соҳаси бугунги даврнинг кескин рақобатига бардош беролмайди.

Шу маънода, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга беэватга етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда мана шундай халқаро анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбекистонда хунармандлар-меҳнатини қадрлаш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун тегишли ҳуқуқий асос, имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, ўз сафарида минглаб усталарни бирлаштирган «Хунарманд» уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Бухоролик машҳур зардўз Муяссар Темирова, самарқандлик таъмирчи уста Мирумар Асадов, фарғоналик ёғоч ўймаkori Абдуғани Абдуллаев каби юртдошларимиз мамлакатимизнинг энг олий мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўл-

гани ушбу соҳа вакилларининг шарафли меҳнати юксак эътибор ифодасидир.

Биз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билимлар билан бирга, халқ амалий санъати сирларини ҳам пухта эгаллаш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқдамиз. Республикаимиз пойтахти ва жойларда ушбу йўналишда ўнлаб фестивал ва ярмаркалар, савдо кўргазмалари, кўрик-танловлар ўтказилмоқда, ёшлар учун хунармандчилик мактаблари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа вакиллари мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Биз тарихимиз, миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган, қадимий ва бой анъаналарга эга хунармандчилик соҳасини ривожлантиришга янада катта эътибор берамиз. Бу борада мазкур халқаро фестивал давомида ўртага ташланадиган амалий фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Қадрли дўстлар!
Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали учун айнан Кўқон шаҳри танлангани, албатта, бежиз эмас. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу қадимий шаҳар ҳақли равишда «олтин водий» деб ном олган гўзал Фарғона водийсининг гавҳаридир.

Икки минг йиллик шонли тарихга, сўлим табиатга эга, қанча-қанча буюк воқеаларга гувоҳ бўлган Хўқанди латиф миллий давлатчилик, илм-у хунар, санъат ва адабиёт равангининг ёрқин тимсолидир.

Кўҳна Фарғона замини жаҳон илм-фани ва маданиятига Аҳмад Фарғоний, Бурҳонуддин Марғиноний, Заҳирриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Амирий ва Нодирабегим, Жаҳон отин Увайсий, Мавлоно Муқимий, Зокиржон Фурқат каби ўнлаб мутафаккир зотларни, улуг шоир ва адибларни, Қодиржон Ҳайдаров сингари машҳур хунар усталарини етказиб бергани билан ҳар қанча-фахрланасан арзийди.

Биргина мана шу Фарғона вилоятининг ўзида миллий хунармандчиликнинг қандай машҳур брендлари бор. Бу ҳақда гапирганда, Марғилоннинг камалақдек товланадиган машҳур атлас ва адрасларини, Риштоннинг бетакрор кулолчилик санъатини, Кўқоннинг ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактабларини, ўйламанки, ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳојати йўқ.

Бугунги кунда бутун юртимиз, бутун Фарғона вилояти каби Кўқон шаҳри, унинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб, мамлакатимизнинг ийрик иқти-

содий ва маданий марказларида бирга айланмоқда.

Хабарингиз бор, ушбу фестивал арафасида шаҳар ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Жаҳон хунармандчилик кенгаши томонидан Кўқон шаҳрига «Жаҳон хунармандлари шаҳри» деган юксак унвон берилди. Яъни, Кўқон шаҳри дунё хунармандчилик харитасида ҳам муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Кўқон шаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилганини биз мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантиришга қаратилган ишларимизга халқаро миқёсда берилган катта баҳо, деб қабул қиламиз.

Кунги кеча Жаҳон хунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақаси президенти Гада Ҳижобий Каддумий хоним Кўқон шаҳрига ана шу гувоҳномани ташнанали равишда топширди.

Мана шу қувончли айёмда муҳтарам Кўқон аҳлини, бутун Ўзбекистон хунармандларини ана шундай юксак эътироф билан чин дилдан табриқлайман.

Бундай улкан эътибор учун Жаҳон хунармандлар кенгаши ва унинг президенти, хурматли Роза Гринлис хонимга ўз номимдан, халқимиз номидан чўқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!
Азиз меҳмонлар!

Ушбу халқаро фестивал нафақат кўпмиллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами, десак, тўғри бўлади.

Бу – олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли қадрият ва анъаналарни ўзида яққол намоён этадиган, муштарак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир.

Аминманки, дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни, гўзаллик ва нафосатни тарғиб этадиган бу фестивал жаҳон майдонида албатта ўзининг муносиб ўрнини топади.

Барчангизни меҳмондўст ва саховатли Ўзбекистон заминига яна бир бор чин юракдан қўлайман.

Ушбу анжумани юксак савияда ўтказиш учун сидқидилдан хизмат қилган барча юртдошларимизга, меҳнатқаш, оққўнги, бағрикенг Фарғона элига, Кўқон аҳлига самимий ташаккур билдираман.

Фестивалнинг барча қатнашчиларига, муҳтарам меҳмонларимизга сийҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилайман.
Этиборингиз учун раҳмат.

Дўстлик ва ҳамкорлик байрами

Мазкур тадбирда сўзга чиққан Жаҳон хунармандлар кенгаши (ЖХК) президенти Роза Гринлис хоним Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантириш, айниқса, хунармандчиликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали ана шу саъй-ҳаракатларнинг юксак намунаси эканини қайд этди.


Тантанали маросимга юртимиз санъат усталари, ёш ижрочиларининг шўх куй-кўшиқлари фойз киритди. Кўқон осмони узра порлаган мушаклар ҳайратларга ҳайрат қўшди.

Президентимиз очилиш маросимидан сўнг фестивал иштирокчиларининг кўргазмасини кўздан кечирди, хунармандлар билан сўхбатлашди.

Фестивал туфайли Кўқон шаҳри янада фойзга тўлди. Шаҳарда кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий меҳмонхоналар, уй меҳмонхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, маданий-маърифий мажмуалар, савдо комплекслари, кўнгилочар масканлар барпо этилди. Тарихий зиёратгоҳлар, шаҳар кўчалари, бино-иншоотларда капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Шу тариқа кўҳна кент бугун тўлиқ янгилик қиёфасида намоён бўлди.

Фестивал ўтказилган ўрдаолди майдонининг ён-атрофида турли кўргазмалар уюштирилди. Хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий хунармандчилик дастгоҳлари ҳамда маҳсулотларини яратиш жараёнлари намоён бўлди. Миллий либосларда кўргазмалар чиқишлар, аския ва қизқичлар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томошалари байрам шукўҳини янада оширди.

Фестивалнинг асосий майдонига айланган Худойёрхон ўрдаосида ташкил этилган кўргазмалар ва хунармандчилик маҳсулотларини томоша қиларкансиз, ранглар жилосидан беихтиёр лол қоласиз.



Фестивалда сурхондарёлик хунармандлар яратган 40 метрлик дунёдаги энг катта сўзана, риштонлик моҳир кулол Равшанбек Тожидинов ясаган 40 килограмм ош сиғади-ган баҳайбат лаган намойиши, самарқандлик новвойларининг бугун дунёга машҳур Самарқанд нони таёрлашиши хориждан келган меҳмонларнинг ҳайратини оширди.

– Юртингизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларида бўлганман. Мана шундай нуфузли фестивал сабаб бугун Кўқонга келиш бахтига муяссар бўлдим, – дейди Германиядан ташриф буюрган меҳмон Карен Макротер. – Кўқон чиндан ҳам хунармандлар шаҳри эканига амин бўлдим. Ажойиб хунармандчилик намуналари, муҳташам тарихий обидалари мени бутунлай сеҳрлаб олди.

– Мен Португалиядан келдим, – дейди фестивал иштирокчиси Треза Аннес. – Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Миллий хунармандчилик намуналарини мени ўзига ром этди. Юртингиздан ўзим билан бирга энг ажойиб хунармандчилик буюмларини олиб кетаман.

– Фестивалда 100 дан ортиқ қўл меҳнати маҳсулотларим билан қатнашдим, – дейди сурхондарёлик Розия Эшонқолова. – Маҳсулотларимиз хорижликларни бефарқ қолдирмади. Уларга кўпроқ сурхон дўпписи ва кичик ҳажмдаги гиламларимиз маъқул келди. Энг

асосийси, бу фестивал биз хунармандларни янада жипс-лаштириб, миллий қадриятларимизнинг янада ривожланишига туртки бўлмоқда.

Халқаро хунармандлар фестивали доирасида кўрик-танлов ҳам ўтказилди. Унда хорижлик ва юртимиз хунармандлари ўзининг 30 дан ортиқ йўналишдаги ишларини тақдим этган эди. Ҳар бир хунарманд яратган ижод намуналари танлов низоми талабларига мувофиқ ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолилик асосида баҳоланди. Сохилзта номинация бўйича 24 нафар ғолиб аниқланди. Жумладан, «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича биринчи ўринни Муҳаммадали Юнусов (Ўзбекистон) қўлга киритди. Иккинчи ўринга Суфион Катри (Ҳиндистон) сазовор бўлди. Учинчи ўрин Алишер Нарзуллаева (Ўзбекистон) насиб этди. Бундан ташқари, «Энг ёш хунарманд», «Энг яхши хунармандчилик мактаби устаси», «Қадимий сулола давомчиси», «Қадимий хунармандчилик турини тиклаган хунарманд», «Энг фаол хунарманд» номинацияси ғолиблари ҳам аниқланди.

Муҳтасар айтганда, ҳар икки йилда ўтказиладиган ушбу халқаро фестивал бундан буён бутун дунё хунармандлари оралиқ кутадиган катта байрам бўлиб қолажак.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Фидойилик ва фаоллик эътирофи

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозидан республика танлови ўтказилмоқда».

Танловда иштирок этиш учун Низомга мувофиқ, умумий ўрта таълим мактабларида 20 йилдан ортиқ педагогик, 10 йилдан ортиқ касаба уюшмаси тизимида фаолият кўрсатаётган 1 135 нафар фидойи устозлардан мурожаатлар келиб тушди.

Комиссиялар қатнашчиларни баҳолашда уларнинг билими, ўз соҳасини ва касаба уюшмаларининг фаолият йўналишларини қай даражада яхши билиши, муассасада ўқувчиларга таълим беришда эришган натижалари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини англаши ҳамда касаба уюшма аъзоларига еткази олиши, иш берувчилар, давлат ва ҳўжалик органлари билан ижтимоий шериклик асосида ишларни ташкил эта олишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман (шаҳар) кенгашларида тузилган комиссиялар томонидан баҳолаш мезонлари асосида номзодларнинг фаолияти кўриб чиқилиб, юқори натижа кўрсатган қатнашчиларнинг ҳужжатлари танловнинг иккинчи босқичига юборилди.

Вилоятдаги туман ва шаҳар умумтаълим мактаблари бошланғич касаба уюшма ташки-



лотлари раислари ўртасида ўтказилаётган «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозидан» республика танловининг биринчи босқичи якунланди.

– Мазкур танлов бугунги кунда устоз-мураббийлар меҳнатининг нақадар улуғланаётганининг ёрқин ифодаси бўлди, – дейди Тошкент туманидаги 11-мактабнинг БКУК раиси, 1-ўрин соҳиби Гули Рашидова. – Ғолиблик яқинлашиб келаётган устозлар байрамига ажойиб совға бўлиши билан биргаликда касбимга нисбатан масъулиятни янада оширди.

Ходимларнинг касаба уюшмаларида ўз ваколатлари доирасида меҳнатга оид ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдаги хизматлари ҳамда ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдаги ҳиссалари инobatта олиниб, иштирокчилар ора-

сида ғолиб деб топилганлар вилоят босқичига йўланмани қўлга киритди. Уларга касаба уюшма кўмитаси туман кенгашлари ва ХТБнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

«Устозлар касаба уюшмалари эъзозидан» республика кўрик-танловининг Бухоро шаҳри босқичи якунланди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган саралашда саккиз нафар педагог ходим ўз салоҳиятини намоён этди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, кўҳна шаҳардаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси ва касаба уюшмаси кўмитаси раиси Дилбар Ташева 1-ўринга лойиқ кўрилди.

Қатнашчиларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.
Рустам ИБРАГИМОВ,
«ISHONCH»

Танловнинг биринчи босқичида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгаши тасарруфидаги мактаблардан тўққиз нафар кўмита раиси қатнашди.

Ҳайъат аъзолари фаолиятга оид ҳужжатларни ўрганиб, иштирокчилар билан сўхбатлашди. Танлов натижаларига кўра, 29-умумий ўрта таълим мактаби касаба уюшма кўмитаси раиси Р.Абдувагапова, 43-мактаб касаба уюшма кўмитаси раиси Г.Ражабова, 6-умумий ўрта таълим мактаби касаба уюшма кўмитаси раиси Шаҳло Ҳасанова кейинги босқич йўланмасини қўлга киритди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши молия бўлими мудир А.Асадов ҳамда Ғиждувон тумани халқ таълими бўлими мудир З.Абдуллоева ғолибларни муборакбод этди.

Юнус ХОДИМОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгаши раиси

Хоразм вилояти

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят шаҳар-туман кенгашларининг тарғибот тадбирлари туфайли танловда иштирок этиш истагини билдирганлар қўрилганидан-да кўп бўлди. Танлов талабига кўра етарли иш стажига эга 42 нафар бошланғич касаба уюшма кўмитаси раисининг ҳужжатлари Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман ва шаҳар кенгашларида ташкил этилган ишчи гуруҳларга топширилди.

Устозлар – касаба уюшмалари эъзозидан

Уларнинг фаолияти низомада белгиланган тартибда баҳоланди, 36 нафар касабакўм ҳужжатлари вилоят ташкилотига тақдим қилинди.

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ишчи гуруҳ ушбу ҳужжатларни ўрганиши бошлади. Бундан ташқари, бирлашма мутасадди ходимлари жойларга чиқиб, касабакўмлар фаолияти билан яқиндан танишиб, бу ҳақда ҳамкасблари фикрларини ўрганди.

– Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурда 2019 йилнинг 23 август кунини кенгайтирилган тарзда ўтказилган йўғилишда белгилаб берилган вазибаларни амалга оширишга касаба уюшмалари биринчилардан бўлиб ки-



ришгани соҳа ходимларини руҳлантириб юборди, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова. – Ушбу танлов ўқитувчиларнинг жамиятдаги ролини янада оширишга хизмат қиладди.

Республика босқичига кимлар йўланма олиши 18 сентябрда эълон қилиниши қўтилмоқда.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Андижон вилояти

Андижон шаҳридаги мактабларда кўп йиллар ёшларга муносиб таълим-тарбия бериш баробарида касаба уюшма етакчилигига бир неча бор сайланиб, ўн йилдан бери раис сифатида ходимлар ишончини қозониб келаётган 16 нафар устоз шаҳардаги 35-давлат ихтисослаштирилган мактабда танлов баҳона дийдорлашиб, ўзaro таърибга алмашди.

Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилиб, таълим ривожига ҳисса қўшаётган барча иштирокчилар Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгашининг совға-саломлари билан тақдирланди. 10-умумтаълим мактабининг бошланғич кўмита раиси Зулфия Содиқова биринчи босқич ғолиби сифатида эътироф этилди. 6- ва 29-умумтаълим мактаблари вакиллари Нодира Қурбонова ҳамда Манзура Узоқбоева иккинчи ва учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Насибохон ТўРАҚУЛОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳри кенгаши раиси



Мен бу ёшлар билан сўхбатлашиб, «Инсон қандай яшаши керак?» деган саволга жавоб толгандай бўлдим. Руслан ва Гулнура бир-бирларини қадрлаб, қўллаб-қувватлаб, ҳаёт синовларини мардонавор энгиб келишмоқда. Оёғига тикан кирса ер-у кўкни ларзага солиб додлайдиган, ҳаётдан доим норози, тирноқ остидан кир қидирадиган, кунини ўруш-жанжал билан ўтказадиган, текин уй илинжида турмуш ўртоғидан ажрашаётган – қўйинги, барча тоифадаги инсонлардан ибрат олса арзийди...

Улар 2007 йилда турмуш қуришди. Орадан бир йил ўтиб, Зафарбек дунёга келди. Янгириқлик икки ёш шифокор оиласи кўпчилигининг эътиборида. Иккаласи ҳам меҳрибон, ширинсўз, камтар. Ҳар тонг қалбларига улкан мақсадларни жо қилиб, Урганча ишга отланган шифокорларга ким ҳавас, ким ҳасад билан қараши ҳам бор гап. Руслан онколог, Гулнура кардиолог. Эски «Жигули» ҳар на бўлса хизматларига яраб турибди. «Бизга ҳам замонавий машина насиб қилиб қолар» деб қўяди Руслан. Зафарбекни йўл-йўлакай Гулнуранинг онасиникига ташлаб кетишди.

2010 йилнинг 15 январиди улар автохалокатга учрашди. Руслан бир ойларда соғайиб, ишга қайтди. Гулнура шошилиқ тиббий ёрдам марказида 20 кун ётишига тўғри келди. У умуман ҳаракатланмас эди.

– Ҳўё бошқа оламга тушиб қолгандай эдим. Шифокор бўлганим боис аҳолимни ўзим ҳам яхши тушунардим. Бироқ яқинларимнинг меҳри, ўғлимни бағримга босиб иштиёқи мени қатъиятчи, кучли бўлишга ундарди. Менга ожиз, нотавон сифатида қарашларини истамасдим. «Тирик қолишим керак» дердим ўз-ўзимга, – дейди Гулнура ўша кунларни ёдга олган экан

Бу орада Русланга ақл ўргатувчилар, дашном берувчилар кўпайди. Ёш, келажак порлоқ шифокор ортиқча юкдан халос бўлиши лозимлигини, ўз ҳаётини барбод қилмаслигини уқтиришди. Йигит уларнинг гапига парво қилмади. Турмуш ўртоғидан меҳрини аямади. Чақалоқни парварилангандай атрофида парвона бўлди. Лекин орадан олти ойдан зиёд вақт ўтса-да, Гулнурада ўзгариш бўлмади.

Кўп ўтмай ёш оила туман марказига кўчиб ўтишди. Гулнура уйда ёлғиз қолмасин, дараддан сиклимасин деб Руслан унга кичик дорихона очиб берди.

– Дорихонага ҳар кун йўлбад инсонлар келиб-кетишар эди.

Неча юзлаб номдаги дориларни сотар эканман, атрофимизда қанча инсон давога муҳтожлигини ҳис қилардим. Турмуш ўртоғим менга тор соҳалар, турли касалликлар ва уларнинг даволаш методикаси ҳақида китоблар келтириб беради. Айниқсан, инсон психологиясига доир китобларни берилиб кўлардим. Дорихонага ноҳуш кайфиятда келган инсонларга руҳий далда бўлишга ҳаракат қилардим. Одамларнинг менга

муносабати ҳам ўзгара бошлади. Энди менга ногирон сотувчи деб эмас, малакали шифокор деб қарайдиган бўлишди. Ўзимга ишончим ортди. Эримга яна ўз касбимга қайтиш истагида эканимни

«Ҳаёт биздан рози бўлсин!..»



айтдим. Бироқ, ногирон шифокорни қайси муассаса ишга оларди? «Бўлди, сента хусусий шифохона очиб бераман» – деди у киши.

Руслан оддий шифокор сифатида ишласа, Гулнура дорихонада сотувчилик қилса ҳам кунлари ўтаверарди. Бир фарзандлари бўлса, қора қозоннинг қайнаши муаммо эмас. Аммо улар шунчаки вақт ўтказиш эмас, ҳаётда, жамиятда ўз ўринларини топиш, билим ва иқтидорларини халқ учун, Ватан учун сарфлашни исташарди.

Руслан аёлга хусусий шифохона очиб бериш ҳаёлида узоқ изланди. Ниҳоят, 2016 йилда аниқ тўхтамаг келди. Хива туманидаги ташландиқ ҳудудни икки миллиард сўмлик инвестиция киритиш шарт билан обод қилишга киришди. Аммо уларни олдинда янада машаққатли синовлар кутаётганди. Бинони таъмирлашда курувчиларга ёрдам бераётган шифокор йигит йиқилиб, оёқлари синди, тўшакка михланди.

– Усталар кетиб қолди. Бизга «баракалла» деб турган танишларимиз ҳам ҳадиксираб қолишди. Банклар гаровсиз кредит беришдан бош тортиди, – дея эслайди Гулнура. – Иккаламиз ҳам ногиронли аравачасидамиз. Оёқларимиз изимизга бўйсунмайди... Ўзимиздан ўтганини ўзимиз биламиз.

Руслан тушкунликка тушмади. Гулнуранинг ҳам эзилишига йўл қўймади. «Биласанми, Аллоҳ бандасига ўз даргоҳидаги руҳдан пуфлаган экан, демак, жисмиимиздаги руҳ улғурди. Унинг имкониятлари катта» – дерди у. Гулнура ҳам бунга ишонарди.

...Руслан ногиронлик аравачасига

дали шифокорлар доврўғини эшитган беморлар муассасага нажот излаб кела бошлашди.

Бош шифокорнинг айтишича, сув асосан, тери касалликларига шифо саналади. Унинг ёрдамида ошқозон ярасини даволаш, гижжаларни тушириш мумкинлиги исботланди. Шу боис, муассасада тезкорлик билан бассейн қурилиб, беморларга яна бир имконият яратилди. Клиникага, қандли диабет, гипертония, юрак-ишемик касалликлар, остеохондроз, бел умуртқа касаллиқлари, физиотерапия, уқалаш муолажалари кенг қўлланилмоқда.

Руслан бизни ҳўудда тушди. Бу ерда боғ ташкил қилиш, обод қўшага айлантириш нияти борлигини билдирди. Яқинда Хитойдан келтирилган замонавий жиҳозларни кўрсатди. Мажмуавий диагностика лаборатория фаолият бошлашга тайёр. Фитотерапия, уқалаш муолажалари кенг қўлланилмоқда.

– Ниятимизга эришдик. Юрагимиздаги забтига олган дард аламлар эриб кетди. Биз тортган азоблар ортада қолди, – дейди Руслан. – Айни чоғда менинг икки мақсадим бор. Биринчиси – Гулнуранинг оёқда туришини кўриш, иккинчиси эса саратон касаллигига даво топиш...

Биз клиникада даволанаётган беморлар билан ҳам сўхбатлашдик.

– Уч ой тўшакка михланди қолдим. Шифо топишдан умидимни узгандим. Ушбу марказ ҳақида айтишганида ҳам унчалик ишонмадим. Болаларим кўтариб олиб келишди. Бир ойда ҳам етмай юрадиган бўлдим, – дейди Шоназар Саидов.

– Инсулт ўтказганман. Тўшакка михланди қолгандим. Бу ерга мени беҳуш ҳолида келтиришган. Бунга қарангки, олти кунда ҳушимга келиб, ўн кунда юриб кетдим, – дейди Шакаржон Жуманиёзова.

Бу фикрларни ўқиб, бўрттириш деб ўйлашингиз мумкин. Асло. Биз Руслан ва Гулнурани илоҳийлаштирмақчи ҳам эмасмиз. Мақсадимиз, шундай улкан қалб соҳиблари, бардошли ва матонатли, қатъиятли ва билимдон, бири-бирини ардоқловчи инсонлар билан таништириш. Сўзимизга ишонмасангиз, Хивага йўлингиз тушганида «Чодра ҳовли» тарафга ўтиб, «Шифобахш нажот суви» клиникасига бир келиб кўринг, ҳаммасига ўзингиз амин бўласиз.

«Хўзирда реабилитацион марказ» сифатида фаолият кўрсатаётган клиника кейинчалик машҳур илмий-амалий марказлардан бирига айланса, не ажаб! Руслан ва Гулнуранинг ушбу орзуси ҳам ушалишига ишонамиз. Чунки улар ҳаёт синовларини мардонавор энгиб келаётган, машаққатдан чўчимайдиган, изланишдан тўхтамайдиган инсонлардир.

– Шундай яшаш керакки, ҳаёт биздан рози бўлсин, – дейди Гулнура Ҳайдарова. – Зеро, у бизга бежизга берилмаган!

– Дарвоқе, клиника ҳудудида бир минг беш юз метр чуқурликдан чиқиб турган сув текширилганда калий, магний, йод, олтингурутга бойлиги, шифобахшлиги аниқланди. Муассасага ҳам шу боис «Шифобахш нажот суви» деб ном берилди. Гулнура Ҳайдарова бош шифокор қилиб тайинланди. 20 нафар ишсиз ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлди. Иро-



Мухаббат Тўрабоева, «Ishonch»

Оғриқ тишлар...

чилик чоғларида оёқ кийимларига лой тегиб, қўлмақларни аранг айланиб ўтаётган, кўчанинг нарёғига бир амаллаб етиб олганига шукур қилаётган чет эллик қариларни бир тасаввур қилинг... Меҳмон уйи эгасининг «Ҳеч эсимдан чиқмайди. Уйимда меҳмон бўлган франциялик эр-хотин юк араваларини ўша қинғир-қийишқ йўлда тарақлатганча жўнаб кетишувди...» деган гапи вазиятини янада ойдинлаштиради. Бу ҳали ҳолваси экан. Ширин опанинг уйи қаршисидан канализация тизими ўтган. Қувури ўрнатилганига йўқ деганда эллик йил бўлибди. Меҳмон уйи соҳибсининг айтишича, даярли ҳар икки ойда кўча аҳли пул йиғиб, ўша қувурни таъмирлайди. Йўқса, ундан тарқалаётган ҳидга чидаш душвор...

– Очиғи, шу ноҳушлик сабаб ҳам меҳмонларим олдида хижил бўлман баъзан, – дейди Ширин Боймуродова. – Шаҳарнинг икки қисмини боғлагани боис кўчамиздан чет элликлар тез-тез ўтиб туришади. Айниқса, кечки пайтларда серкатнов. Уларга хизмат кўрсатувчи бир неча маскан жойлашган бу кўчанинг катта қисми оқшом тушди дегунча зим-зиё тус олди. Чунки кўча чироқлари ўрнатилмаган. Мен бир неча бор қоронғида фонар ушлаб, бир-бирининг қўлидан тутганча ўнқир-чўнқирда иқчиллаб юрган ажнабий нурунийларни кўрганман. Ушанда ич-ичимдан қанчалар уялиб кетганимни билсангиз эди?..

Бундай ноҳуш ҳолатларни эски шаҳарнинг анча-мунча жойида кўриш мумкин. Бугун туризмга биринчи галдаги масалалар қаторида эътибор берилмаётган экан, сайёҳлар учун шарт-шароит ҳам мукамал бўлиши даркор. Аввало, ташқи қиёфа, кўҳна обидалар-у меҳмонхоналарга элтувчи йўллар ва кўчаларнинг манзараси, уларнинг ҳолати ҳар қандай кишининг эътиборини тортишини ҳисобга олсак, масала анчайин жиддий. Билмадик, мутасаддилар Бухоро шаҳридаги Жалол Икромий номидаги маҳаллага қарашли бу кўчага қанча келишар экан... Умид қилишдан бошқа иложимиз йўқ.



Рустам Ибрагимов, «Ishonch»



«Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали билан тузилган савдони ташкил қилиш шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик кимошди савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги мулклар қўйилган:

1.1996 й.да и/ч, «Тико» русумли, д/р 80/160 JAA автомашина.

Бошланғич баҳоси – 1 280 000 сўм.

Савдо 2019 йил 22 октябрь кунини соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади.

Аризалар 2019 йил 21 октябрь кунини соат 18:00гача қабул қилинади.

Сотилмай қолган автотранспорт воситаси савдо шартлари ўзгармаган ҳолда қайта очик савдоларига 2019 йил 29 октябрь ва 5-, 12-, 19-, 6 ноябрь кунлари чиқарилади.

Савдоларда қатнашиш учун истак билдирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

– Мулкни сотиб олиш учун ариза;

– Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси;

– «Савдо ташкилотчиси»нинг ҳисобрақамига (МФО: 00119, СТИР: 300615974, «Ипотека банк» АТИБнинг «Сардор» филиали, х/р: 20208000604658859001) мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридидаги гаров пулини тўлаганликлар тўғриси-

даги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

– **Жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома.

– **Юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вакил қатнаша, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

Автотранспорт воситалари учун аризаларни қабул қилиш шартлари чиқарилади. Байрам кунларидан ташқари) савдолар бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аризалар «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ томонидан қабул қилинади.

Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон чоп этилган кундан бошлаб аукционга қўйилган мулклар билан танишиш имконияти яратилади.

Манзил: Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй. **Телефон:** (0-365) 221-58-87.

Хизматлар лицензияланган.


Олмазор тумани давлат солиқ инспекцияси маълум қилади:

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги «Узоқ мудатлардан буён фаолият юритмаётган ва ўзларининг устив жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисида»ги 327-сонли қарори ижроси юзасидан ҳамда Тошкент туманлараро иқтисодий судининг қарорларига асосан Олмазор тумани давлат солиқ инспекцияси маълумотлар базасида фаолият юритмаётган куйидаги корхоналарнинг думалоқ муҳри, бурчакли тамғаси, корхона рўйхатидан ўтган таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатдан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, низоми, таъсис ҳужжатлари ва руҳсат берувчи гувоҳномалар бекор қилинади.

Корхонанинг дебитор кредиторлари давволари бир ой мудат мобайнида Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: (78)140-94-27, (78)140-94-97, (71)228-05-15 **Ишонч телефони:** (71) 228-05-15.

№	СТИР	КОРХОНА НОМИ	САНАСИ
1	207112206	«D1ALAB SERVIS» МЧЖ	14.08.2019
2	303698728	«QORASAROY SIFATU BO VOQLAR» МЧЖ	14.08.2019
3	305372508	«SSS AND A» МЧЖ	14.08.2019
4	305916492	«BBK TASHKENT LIMITED» МЧЖ	14.08.2019
5	305445565	«AXMAD O'GU QURILISH BIZNES» МЧЖ	14.08.2019
6	305726950	«ADWISE» МЧЖ	14.08.2019
7	304750385	«TO'KIN HAYOT» МЧЖ	14.08.2019
8	305784484	«MARKO POLA» МЧЖ	14.08.2019
9	304012622	«EZOZ SERVIS TAOM» МЧЖ	14.08.2019
10	305789920	«LAZIZ DORS» МЧЖ	14.08.2019
11	302563144	«AZIZ ESHPLATU TAOM» ХК	14.08.2019
12	305357113	«ANGREN GEO MAX» МЧЖ	14.08.2019
13	305460643	«GREEN PARK SERVIS» МЧЖ	14.08.2019
14	305270302	«QUDRATULLA BARAKA BIZNES» ХК	14.08.2019
15	305727024	«LEADER HOUSE BUILDING» МЧЖ	14.08.2019
16	305611518	«BEGIM SAVDO» ҚК	14.08.2019
17	305775772	«AS-LOGISTIC» МЧЖ	14.08.2019
18	305194049	«JO COSMICAL SERVICE» МЧЖ	14.08.2019
19	306066894	«BUYUK INSHOOT» МЧЖ	14.08.2019
20	304672507	«OMAD ZAFAR BIZNES» МЧЖ	14.08.2019
21	305709719	«PRINT-DIZAYN» ХК	14.08.2019
22	305971030	«KOMELES» МЧЖ	14.08.2019
23	306059507	«ECO-FEED» МЧЖ	14.08.2019
24	305059468	«SMART FAMILY» ҚК	14.08.2019
25	305104482	«RIO AIRFRESHNER» ҚК	14.08.2019
26	305534755	«SEEF CASING» ХК	14.08.2019
27	305006952	«ZUBAIR TAOM» МЧЖ	14.08.2019
28	305756771	«EOST ATLANTIS» МЧЖ	14.08.2019



Шу йилнинг апрелидан то ҳанузгача Бухоро шаҳридаги Какули Калон кўчасидаги 9- «А» уй чет эллик ва маҳаллий сайёҳлар билан гажум. Гап шундаки, хонадон соҳибаси Ширин Боймуродова туризм департаментининг ҳудудий бўлимидан олинган лицензия асосида шу ерда «Shirin house» номли оилавий меҳмон уйини очган. У кўп йил шифокор бўлиб ишлаб, пенсияга чиққач, танишлари маслаҳати билан тадбиркорликнинг шундай турига қўл ўрди. Бунда «Ипотека банк»нинг маҳаллий бўлимидан олган 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳамда ўзининг 20 миллион сўм маблағи асқотди. У Европа Иттифоқи лойиҳаси доирасида Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси ўтказган семинарда қатнашиб, меҳмонхона юритиш бўйича малака оширди.

ЧИРОҚ TUTGAN САЙЁҲЛАР ёхуд бир кўчанинг «таърифи»

Унинг айтишича, Бухоронинг туристик салоҳияти, қолаверса, уйнинг эски шаҳар ҳудудида экани бундай истиқболли ишнинг ривожига имкон бериши табиий. Имконият бор экан, нега ундан фойдаланмаслик керак?!

Хозиргача юзга яқин сайёҳ Ширин опанинг қўноқлари бўлди. Улар орасида французлар, японлар, немислар, россияликлар, турклар, словаклар, испанлар, америкаликлар, исроилликлар бор. Ўзбекиона миллий руҳ акс этган, ўн бирини ушбу кўркем, шинам ҳовлидаги шароит, тозалик ва албатта, мезбоннинг хуш муомаласи, юқори даражадаги хизмати уларни ўзига ром этаётгани ҳам бежиз эмас.

Дарвоқе, яқин орада Ширин Боймуродова бутун дунёдаги меҳмонхоналар ҳақида маълумотлар берилмаётган booking.com сайтида рўйхатдан ўтишни, ҳовлисида меҳмонлар учун саҳна қурдириб, томошалар қўйишни, миллий таомларимизни тайёрлаш бўйича маҳорат

дарсларини йўлга қўйишни кўзлапти.

– Хорижликлар, аввало, удумларимизга, кўҳна турмуш тарзимизга, ўзимиз деярли эътибор бермайдиган, бизга майда-чуйда туйиладиган жиҳатларимизга жуда қизиқишади, – дейди у. – Масалан, японларга «келинсалом», «саллабандом» маросимларини томоша тарзида ўтказиб бердим. Бунинг учун қариндош-уруғларни жалб қилишга тўғри келди. Россиялик меҳмонлар эса ҳовлимдаги уйларнинг тузилиши-ю сандиқ устига йиғиб қўйилган кўрпа-тўшакларга қизиқиб қолишди. Немис сайёҳга қоғоқ манти манзур бўлди.

Дарвоқе, улардан бири курилгани бир асрдан ошибди. ЮНЕСКО рўйхатига киритилган бу бино «Shirin house»нинг ўзига хос ташриф қоғози вазифини ўтапти.

Мазкур меҳмон уйининг ичи бадастир. Аммо... У жойлашган кўча ҳолати ҳақида афсуски, бундай деёлмаймиз. Чунки у роса ўнқир-чўнқир. Энди ёгингар-



этирилади. Адиб баъзан фикс-у фукурлар гирдобига тушиб, маънан тубанлашган одамларни, улар табиатга ўрнашиб қолган кирларни танқид қилди. Шу мавзуда ҳажвийлар, фельетонлар ёзди. Бундай аччиқ ҳақиқат иншоиси учун «фельетонлар қироли» деган таъбир билан сийланган бўлса, бошқа бир вазиятда «Йигинди гаплар»и учун ноҳақ қамоқ жазосига маҳкум этилди. Узини, ёзганларидаги жазага лойиқ бирор сўз йўқлигини – виждонини, ҳақгўйлигини қатъий ҳимоя қилди. Адибнинг ҳаётдаги мезони оддий аршин ёки саржин эмас. Бир ўринда «ма-

нисбатан улканлашди. Тарих сахнасида туриб Отабек фикрга толиб, ўйлаб айтган «Тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсам-да, ўрнининг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиғ ёзиб ўрнининг идора тартибини дастуриламал этишқа буюрса, мен ҳам бир ой ичида ўз элимни ўрниники билан бир қаторда кўрсам...» деган гаплари, ўзига хос юксалган тартибли бошқарув тизим ҳақида айтганлари – бу чўнг бир орзу. Юртига қайтиб келиб, кўриб билсаки, бу амалга ошиши мушкул бир

рифатли, ўқимишли, кўпи китоб кўрган инсонлар. Адиб ўз асарларида асосий образларни маълум ва машҳур адабий, тарихий, диний китоблардан насибадор қилади. Отабекнинг «Бобурнома» ўқиши бежиз эмас. Юсуфбек ҳожи Қуръони Карим ва «Далойил ул хайрот»ни, ошиқ-маъшуқлар эса Фузулий ғазалларини ўқишади.

Бундай далиллар Абдулла Қодирий адабий шахсияти ва маънавий-маърифий дунёсининг таъғамини, шарқ алломалари асарларини, тарихини, фикрларини, тибини, энг муҳими – ҳаётни нақадар яхши билишини аниқлатади. Бирор мамлакатдаги ижтимоий-маданий муҳит баъзан ҳажвийёт даражасига мос келмаслиги мумкин. Тубан жамиятни, пасткаш одамларнинг бузуқ табиатларини фош қилишда сатира тиғи ишга тушади; ўша жамият бадийят эътиборидан юксалади. Қодирий шунинг учун ҳам дунё адабиётининг Данте, Николай Васильевич Гоголь, Мигель де Сервантес каби «даҳоларни» етиштиргувчи бош омил бузуқ шароит» деб ҳисоблайди. Абдулла Қодирий рус адабиётдан Чеховнинг «Буқаламун», Гоголнинг «Уйланмиш» пьесаси ҳамда жаҳон адабиётидан Д.Дидронинг «Роҳиба» (парча), А.Додьеннинг «Саодатли Августиннинг азиз дуоси», Э.Золаннинг «Лурд» (парча), «Рума» (парча), «Эвергард авлиёнинг каромати», М.Твеннинг «Дабдаба ва тиланчилик», «Муқаддас инквизиция роҳибларининг қизиқ найрангари», «Роҳиблар фаройиботи», Э.Кейрошнинг «Патер Амарунинг жинояти» (парча), В.Марсертнинг «Уртоқ» (парча), С.Ж.Гусев-Оренбургскийнинг «Кухетинка» каби асарларини ўзбек тилига таржима қилди...

Барчага маълум ва машҳур гап борки, баланд тоғларнинг осмонупар чуққулири оралиқдаги масофа узоқлашиб боргани сари кўзга яққолроқ кўринади. Абдулла Қодирий бутун ижоди, руҳияти, маърифати, ҳақонияти билан, гарчанд биздан орадан йиллар ўтган сари узоқлаша борса-да, унинг маҳобати узоқ-узоқлардан ҳар доим барчани ўзига мафтун қилади ва ҳар вақт маърифат талаби китобхоналарнинг кўзи ўнгида ўз ҳайбати билан пайдо бўлади. Абдулла Қодирийнинг тили бой, фикри тиниқ. Шу сабаб ёзганлари ҳам теранлиги, образли кўчимлари билан бошқалардан ажралиб туради. «Ёзувчиликда бир қонун бор, – деб таъкидлайди у, – ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони, фикрни ифода қилиш учун сўз қуриш, сўз эмас, – санъаткорона, яъни шундоғ сўзи, айтмакчи бўлган фикрининг ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин!» Абдулла Қодирий ижоди шундай табиий, санъаткорона қурилган сўз, ҳикмат ва ҳақиқатларга йўғирилган маърифат маҳзанидир.

41 Абдулла Қодирийнинг бир неча шеъри бор: «Тўй», «Аҳволимиз», «Миллатимга бир қарор», «Фикр айлағил». Буларнинг ҳеч бирига эътибор сиз қараб бўлмайдисиз. Миллат аҳволини ўнглаш учун ғайрат керак. Қодирий ўз тенгқурлари бўлган ёшлар ғайратидан, ҳаммаслақлари бўлган зиёлилар шижоатидан умид қилади. «Миллатимга бир қарор» шеърда жаҳолатни, нодонлик ва билимсизликни қоралайди. Унингча, нодон кимса учун ҳар тўрт фасл қиш, «жаҳолат сас-сиғи» ҳар қандай одам кўнглини беҳузур қилади. Бундай тубан ҳоллардан қутулишнинг йўли мактаблар очиш, илм-маърифат ўрганишдир. Адибнинг давр муаммолари-манзараларига муносабати, ўз сўзи билан айтганда, «ҳасратли» шундай. Айнан «Жувонбош», «Бахтсиз кўев» асарлари мазмунда ҳам турли бемаъни оқдотларни ташлаш, шариятга мувофиқ яшаш, унга мос келмайдиган турли йўсиндаги исрофларга берилмаслик каби жадидона ғоялар баён этилади.

Жаҳолат дардларининг давоси – маърифат. Дарҳақиқат, ҳамма зamonларда билганлар билан билмаганлар, ўқиганлар билан ўқимаганлар, маърифатлилар билан жоҳиллар ўзаро фарқланган. Улар орасига баробарлик белгисини қўйиш қийин иш. Маърифат зиёси тарқатиш – бу миллат калбини ҳикмат билан нуранлириш демакдир. Абдулла Қодирий одамлар орасига кирди, жамият дардларидан, айниқса, озиқ кўмитасида, унинг «Озиқ ишлари» газетасида ишлаган йиллари ўз муҳитининг аҳволини кўрди. Орифлар кўзи ўнгидаги манзарани, ундаги оқ-қорадан бошқа ранглари ҳам маърифат ойнасига солиб кўришади. Жулқунбой кўйини яшайди, яшаб кўйинади; ҳажвия ёки ҳангомаларида қулдириб йиғлатди, йиғлатиб қулдириди. Аслида, ижод қаламини қўлга олган санъаткор адиб – ҳоҳ замонавий, ҳоҳ тарихий бўлсин – воқеликни образлар оламига, рамзлар ва метафорага кўчиради.

Абдулла Қодирийнинг содда шеърлар, митти ҳикоя ва ҳажвийларидан тортиб то улкан романларигача бўлган адабий меросида инсон қалби, ўзбеклар турмуши, миллий хулқ-атворнинг турли қирралари акс

Маърифат маҳзани

ним мезони виждоним бўлиб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида» деб ёзди.

«Халқда таассубни ўрганиш учун ҳар ким ўз оиласи ва яқинларига кўз ташлаш, халқ ижтимоий шу оилалардан уюшканидек, унинг руҳий ҳолларини ҳам шундан ўрганиш қўлайдир». Адиб ёзганларини ўқиш асосида бундай ҳамма зamonлар дardига малxam бўладиган фикрлар қаймоғига дуч келишингиз айна ҳақиқатдир. Ҳақиқат эса Қодирий таъбирича, ҳамма вақт очик-ойдин бўлиши лозим. Бир мақола-ликка «Ҳақиқат – очиб сўзлашдаир» деб сарлавҳа қўяди. Шу тамойилни бошқа бир ўринда «Ҳақиқат сўйри бўлмаса, нега унга битта харидор чиқмабди?», деган ис-теъзолни саволни беради. Абдулла Қодирий тўғрилиқ, поклик, очиклиқни сўядиган ёзувчи ўлароқ, ҳар қандай маърифатли қалам аҳлининг ёзганлари эди хос оригинал бўлиши тарафдори эди. Қодирий ўз адабий муҳитида бошқалардан фарқла-нишида айнан бошқаларга ўхшамасликка, бошқалар қолиғига тушмасликка, бошқалар йўриғида эргашиб юрмасликка ин-тилди. Шунинг учун унинг ҳар бир ёз-ганларини газета ва журнал ўқувчилари «Жулқунбой гап ёзибдими?» дея интиқлик билан кўтишиди. Зеро, унинг ёзганлари за-мирида даврга доир жиддий муаммолар дардлар, маънавий касалликка кўтари-лади, баъзан муолажали дармондорилар тақдир этилди.

1923 йили ёзган «Биз ким ва нимадан кўрқамиз?» хангомасида таъкидлайди: «Мустанлакчи – аччиқланган чоғида си-рининг очилишидан кўрқадир». Тасаввур қилинг: 20-йилларда бир мuddат ижод эркининг шабадалари эсган маҳали, ўз тепасида турган босқинчиларга қарата Жулқунбой бундай гапни езиши учун ҳақиқатан ҳам ўз дard-у дунёсининг, ўз қаламининг қироли бўлиши лозим эди.

Абдулла Қодирий кичик асарла-ридаги дардлар, қайғулари ва улар-нинг тасвир қамровлари романларига

савдо эмиш. Бамисоли аҳли қабри на-жотга чорлагандек гап экан. Зотан, Ота-бек ўзини, ўзлигини англаган қаҳрамон.

Умумийлатини қамраган асил илох-сизлик сабаби жаҳолатдир. «Уткан қун-лар»да бир миллатнинг икки қавми ўрта-сида бўлган қирғин тафсилотлари, шайта-нат фитналари Отабекка қарата Юсуфбек ҳожи тарафидан бирма-бир изоҳланиб, хулосада айтадики: «Мен кўб умримни шу юртнинг тинчилиги ва фуқаронинг оёсиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилмамадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичган мансабпараст, дунёпараст ва шурхатпараст муттаҳамлар Туркистон ту-проғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг те-гимизга сув қуядирган бўлсак яқиндирки, ўрус истибодиди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндирғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан ко-фир қўлига туқтин қилиб топширгучи – биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лан-нати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистоним-изни тўнғузхона қилишга ҳозирланган биз итлар яратқунининг қаҳрига албатта йўлиқаримиз! Темур Кўрагон каби дохий-ларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олим-ларнинг ўсиб-унган ва наъшу намо қилган-лари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб суварчи албатта Тангрининг қаҳрига са-завордир, ўғлим! Гунохсиз бечораларни бўғизлаб, болалар ятим, хоналарини вай-рон қилгучи золимлар – кўртлар ва ку-шлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишондир, ўғлим!... Ҳожининг бу фикр-лари роман фалсафасини, асос-неғизини, адибнинг асл мuddасоини аниқлатади... Абдулла Қодирий романларидаги энг суюкли қаҳрамонлар – булар маъ-

Баҳоидр КАРИМ, филология фанлари доктори, профессор

Ҳақиқий инновация

Тошда гул ундирилгани, тошдан ҳайкал ясалгани, тошдан иморатлар бунёд этилганидан яхши хабардормиз. Аммо тошдан қоғоз ишлаб чиқариш мумкинлигини эшитмаган эканмиз.

Тошдан қоғоз



Ҳа, шиддат билан ўзгараётган замон, бир қарашда керак-сиздек туюлган нарсалардан ҳам эҳтиёжimiz учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ишонши қийин бўлган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Фарғона шаҳрида «Сайқал» савдо ишлаб чиқариш корхонаси ва Хитойнинг «Ningbo Stone Paper Environmental Friendly Materials Co.LTD» компанияси ҳамкорли-гида тошдан экологик тоза қоғоз ишлаб чиқариш инновацион лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Умумий қиймати 7 млн. дол-ларга тенг бўлган замонавий те-хнологиялар асосида фаолият кўр-сатувчи корхона ишга тушгач, бир йилда 10 минг тонна қоғоз ишлаб чиқарилади. Бу эса шу пайтгача катта валюта эвазига импорт қи-лнаётган қоғоз маҳсулотлари ўр-нини тўлдириш, ички бозорни арзон ва сифатли қоғозлар билан таъминлаш имконини беради.

Бу лойиҳани амалга оши-риш учун уч йил давомида из-ландим. Хитой, Эрон ва бошқа давлатларга бориб вазиятни ўр-гандик. Охир-оқибат хитойлик ҳамкорлар билан тошдан қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича кели-шувга эришдик, – дейди «Сайқал» савдо ишлаб чиқариш корхонаси директори Абдурахмон Ниёзов. – Айни пайтда корхонанинг ишлаб чиқариш биналари қуриб битка-зилган бўлиб, шу йилнинг охири-гача ускуналар олиб келиб ўрна-тилади. Натижада 60 та янги иш ўрни яратилади.

Тош қоғоз маҳсулотларига бу-тун дунёда талаб катта. Чунки, у

экологик тоза маҳсулот ҳисобла-нади. Аҳамиятли жиҳати – тош-дан қоғоз ишлаб чиқариш жара-ёнида экологияга ҳеч қандай зар-рар етмайди. Масалан, сиз-у биз фойдаланаётган оддий қоғоз-нинг бир тоннасини ишлаб чиқар-иш учун 5 тонна сув сарфланади. Унинг 2,5 тоннаси захарли модда-лар бўлиб, таассуфки, уни барта-раф этишнинг иложи йўқ. Сувга ташласангиз балиқларни ўлди-ради, ерга тўксангиз, яна каттароқ уволга қоласиз. Бу муаммо ҳозир-гача ҳал этилмаган. Тошдан қоғоз ишлаб чиқаришда эса бу каби чи-галликларга дуч келинмайди. Энг асосийси, сув умуман ишлатил-майди. Яна бир муҳим жиҳати – ундаги ёзувлар узоқ мuddат даво-мида ўчиб кетмайди. Нархи оддий қоғозга нисбатан арзон. Ишга ту-шираётганимиз корхона дунёдаги иккинчи завод бўлади.

Кўп бор таъкидланганидек, юртимизга қоғоз маҳсулотлари асосан хориздан олиб келинади. Демак, мазкур лойиҳа импорт ўр-нини камайтириш, қоғоз маҳсу-лотларига бўлган талабни қонди-риш йўлидаги дадил қадамдир.

Энг асосийси, тош қоғоз ишлаб чиқариш учун зарур бўл-ган асосий хомашлар – тош, по-липропилен, полиэтилен маҳсу-лотлари мамлакатимизда мавжуд бўлиб, шу тарихқа қўшама кор-хонада, юқорида айтилганидек, бир йилда 10 минг тоннагача бўлган ҳажмда тошқоғоз тайёрланади.

Ишлаб чиқариладиган тош-қоғозлардан турли пакетлар, ки-тоб, дафтар, конверт, ён дафтар-лари, газета, шунингдек, мева сабзавотлар солинадиган қўтилар (бу қардон қўтилардан бир неча баробар афзал), бино ва уйлари-ни безаш учун гулқоғозлар тайёр-лаш имкони ҳам пайдо бўлади.

Ҳа, буни чинакамга инно-вация дейиш мумкин. Минг йиллар давомида қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқараётган заминимиз бу йўналишда навбатдаги босқични ҳам забт этади.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch»

Тақдирот

«Мен юрган йўл»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоир Туроб Ниёзнинг «Мен юрган йўл» китоби тақдироти бўлиб ўтди.

– Туроб Ниёзнинг ўз сўзи, ўз дастхати ўз гапи ва образи бор, – деди тақдирот тадбир-ида шоир Рустам Му-сурмон. – «Мен юрган йўл» китобида у босиб ўтган йўл, туйғуларининг мундарижаси, ҳаёт йўли, дунёқараши ба-дий шаклда ўз аксини топган десам ан-глишмаган бўламан.

– Иқтидор худодан, лекин шоир камтар ва дили тоза бўлиши керак, – дейди ада-биётшунос Адхамбек Алимбеков. – Тур-роб Ниёз худди мана шундай инсон. Унинг шеърларида миллийлик уфуриб туради. Ма-салан:

Август оқшоми, тиниқ осмон остида Тангалар сочилган тўйга ўхшайди осмон.

Шоирнинг илк шеъри бундан 40 йил муқаддам Ғаллаорол тумани газетасида чоп этилган. Шундан кейин унинг шеър-лари «Тонг юлдузи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Улхан», «Ёшлик», «Шарқ юл-дузи» каби нашрлар юзини кўрди. Туроб Ниёзнинг «Муҳаббат осмони», «Уллаган боғлар», «Муҳаббат гуллари», «Очик юрак», «Кўнгилга мурожаат», «Уммон томчилари», «Мен излаган одам», «Улуғ муҳаббат», «Юл-дузининг орзуси» сингари шеърли китоблари бор.

Тадбир якунида шоирнинг шеърлари ёд-дан ўқилди.

Муҳаббат УБАЙДОВА



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Сирдарё вилояти филиали ҳар бир мижознинг ишончини оқлаш, уларнинг эҳтиёжларига ҳурмат билан ёндашиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келаётир. Молия муассасаси айна вақтда 1 293 та юридик шахс, 40 316 нафар жисмоний шахс ҳамда 1 843 нафар якка тартибдаги тадбиркор билан ҳамкорлик қилмоқда. Келинг, ана шу корхона ва ташкилотлар мисолида банк фаолиятини таҳлил этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки: Хайрли ишлар мададкори

ЭКСПОРТГА КўМАК

Сирдарё туманидаги Ўзбекистон – Хи-той «АВР» МЧЖ қўшама корхонаси 2017 йилда ташкил этилган. Бу ерда асосан сантех-ника маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ушбу қўшама корхонанинг бунёд этилишида банк-нинг 1 миллион 360 минг АҚШ доллари миқ-доридидаги сармояси муҳим аҳамият касб этган. 267 та иш ўрни яратилган корхонада йил да-вомида икки миллион дونا маҳсулот тайёр-ланиб, унинг 30 фоизи хорижга экспорт қи-линади. Корхона келгусида банк билан ҳам-корликни давом эттириб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни режалаштирмоқда.

ГИДРОПОНИКА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ширин шаҳридаги «Ширин агро нур» ма-ъсуляти чекланган жамияти раҳбари Санжар Ҳасанов замонавий иссиқхона очиб истагиди эди. Бизнес режасини молиялаштириш учун ҳамкорликка «Миллий банк»ни танлади. – Ўз маблагим билан ишни бошлай олма-сим, – дейди Санжар Ҳасанов. – Чунки, гидро-поника усулида маҳсулот етиштириш учун чет

эл ускуналарини келтириш керак. Банк мадад берди. 567,8 минг АҚШ долларилик банк сар-мояси эвазига фаолиятимиз кенгайди.

Бугун Эрон ускуналари ўрнатилган иссиқ-хонада ҳамма иш компьютерлаштирилган. Хонанинг ҳарорат ва ёруғлигини ўлчаш, кў-чатга озуқа бериш каби юмушларнинг ҳам-маси автоматлаштирилган. Гидропониканинг афзаллиги тупроқдаги касалликлар ўсимликка ўтмайди, кам озуқа талаб этилади, экилган кў-чатдан 7-8 марта ҳосил олинади. Ўтган йили 1 гектарлик майдонда 130 тонна помидор етиштирилди.

Иссиқхона ёнидан кўшимча майдон ҳам тайёр ҳолга келтирилмоқда. Корхона молия-вий ҳамкорини танлаб бўлган. «Миллий банк» ҳам тадбирли мижозлар билан ишлашга до-имо тайёр.

ҚИШЛОҚЛАР ОБОДЛИГИ ЙўЛИДА

Молия муассасаси «Обод қишлоқ» давлат дастурини рўёбга чиқаришга муҳим йўналиш-лардан бири сифатида ёндашмоқда. Хусусан, тадбиркор Улуғбек Бўронов Ховос тумани-

нинг «Соҳибкор» МФЙ ҳудудида савдо дўкони очиб мақсадида банкдан кредит олди.

– Худуд вилоятнинг чекка ҳудуди бўлиб, аҳоли харид учун масофа босиб ўтишга маж-бур эди, – дейди у. – Дастур асосида маҳалла дўкони очишни режалаштирдим. Банк қўл-лаб-қувватлади. Ҳозирда дўконимизда озиқ ва ноозиқ маҳсулотлари сотилиши йўлга қўйилган.

4 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда бу каби савдо шохобчаси мавжудлиги қанчалар аҳамиятга молик бўлса, нон чеҳи ишга тушиши ҳам бирдек зарурат. Тадбиркор ҳеч иккиланмай дўкон ёнидан ку-рилишни бошлаб юборди. Ахир, молиявий кўмақдоши «Миллий банк» бор-да!

Мухтасар айтганда, молия муассасаси ана шундай хайрли ишларга мададкор бўлиб кел-моқда.



Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch»



МУАССИС:



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 1 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.



Бош муҳаррир Хўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилими: 100165, Тошкент шаҳри, Бўхоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳоис келишилган нархда

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001. АТИБ «ipoteka bank» Яншобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорандопогистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон – (+998-99) 889-90-23 Бўхоро – (+998-99) 889-90-31 Жиззах – (+998-99) 889-90-34 Наманган – (+998-99) 889-90-02 Навоий – (+998-99) 889-90-28 Тошкент – (+998-99) 889-90-25 Самарқанд – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё – (+998-99) 889-90-55 Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32 Фарғона – (+998-99) 889-90-24 Хоразм – (+998-99) 889-90-01 Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев Мусаҳиҳ: С. Шодиева Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов

ЎА якуни – 00:40 Топширилди – 00:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – 917. 28020 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133